# ПУДРАТ ШАРТНОМА №___17___.

2022 йил «06» 12 Қарши шаҳри

**Қашқадарё вилоят Ички Ишлар Бошқармаси Жамоат Хавсизлиги Хизмати Йўл Ҳаракати Хавфсизлиги бошқармаси Махсус Эксплуатация Монтаж Бўлими** номидан (бундан кейин **"Буюртмачи"** деб аталади) Низом асосида иш олиб борувчи Ф.Нормуминов бир томондан ва иккинчи томондан **"DMG QURILISH KLASTERI" MCHJ** (бундан кейин **"Пудратчи"** деб аталади) Низом асосида иш олиб борувчи Ф.Нарзуллаев томонидан, 177897-сонли танлов лоти бўйича 2022 йил 16 Ноябрдаги харид комиссиясининг баённомасига асосланиб, ушбу пудрат шартномани (кейинги ўринларда **"Шартнома"** деб аталади) қуйидагича тузилди:

## 1. Шартнома предмети.

1.1. **"Пудратчи" "Буюртмачи"**нинг топшириғига биноан "Қашқадарё вилояти Қарши шахри Зиёлилар кўчасида жойлашган кўзи ожизлар учун мўлжалланган 18-сонли махсус мактаби худудида "Нурли маскан" - йўл харакати коидаларини ўргатиш махсус майдончаси қурилиши" ишларини ушбу Шартнома шартларига асосан лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ бажариш, **"Буюртмачи"** эса бажарилган ишларни қабул қилиш ва тўлаш мажбуриятларини олади.

## 2. Шартнома қиймати.

2.1. Шартноманинг 1-иловасида ва ишлаб чиқилган ҳужжатларда кўрсатилган ишларнинг қиймати ва Шартноманинг умумий суммаси ҚҚС билан **455 000 000 (Тўрт юз эллик беш миллион )** сўмни ташкил этади.

## 3. Тўлов шартлари.

3.1. Шартнома кучга кирган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида **"Буюртмачи" "Пудратчи"**га шартнома суммасининг 30% микдорида **136 500 000 (Бир юз ўттиз олти миллион беш юз минг )** сўм авансни ўтказади.

3.2. Бажарилган ишлар учун ҳақ тўлаш, Пудратчи томонидан тақдим этилган "Бажарилган ишларнинг қиймати (харажатлар) тўғрисидаги ҳисобварак-фактура ва бажарилган ишлар далолатномаси" асосида, аванс тўловини мутаносиб чегириб қолиниши билан амалга оширилади.

3.3. Жорий молиялаштириш объектнинг умумий шартнома қийматидан 95% гача амалга оширилади.

3.4. Шартнома қийматининг қолган 5% сумаси шартноманинг 4.3-бандида кўрсатилган кафолат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.

## 4. Ишларни якунлаш ва кафолат муддати

4.1. **"Пудратчи"** шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган ишларни, 3.1-бандида кўрсатилган аванс тўлови ўтказилган кундан бошлаб 30 (ўттиз) иш кунида бажариб тугатиши шарт.

4.2. Пудратчининг ҳисобварағига аванс тўлови келиб тушган кундан бошлаб 3 календар куни ичида **"Пудратчи"** томонидан ишлар бошланиши лозим.

4.3. Объектда бажарилган ишлар учун кафолат муддати, бажарилган ишларни кабул килиш далолатномаси имзоланган кундан бошлаб 12 календар ойини ташкил этади, бунда **"Пудратчи" "Буюртмачи"** томонидан аникланган камчиликларни ўз хисобидан ва тезда бартараф этиши шарт, акс холда кафолат суммаси тўлаб берилмайди.

## 5. Шартнома муддати.

5.1. Ушбу шартнома иккала томон имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва томонлар барча мажбуриятларни тўлик бажаргунга кадар амал килади.

## 6. Томонларнинг мажбуриятлари.

6.1. **"Пудратчи"** қуйидаги мужбуриятларни ўз зиммасига олади:

6.1.1. Шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган ишларни ушбу шартномада белгиланган микдорда ва муддатларда бажариш;

6.1.2. Объектга олиб келинадиган қимматбахо қурилиш материалларини, шу жумладан импорт қилиб келтириладиган махсулотлар ва жиҳозларнинг нархи хамда сифатини "Буюртмачи" билан келишиб олиниши лозим;

6.1.3. Агар "Буюртмачи" **"Пудратчи"** томонидан бажарилган ишларнинг камчиликларини аникласа, **"Пудратчи"** аникланган камчиликларни бепул ва ўз хисобидан "Буртмачи"нинг оғзаки ёки ёзма мурожаати келиб тушган кундан бошлаб 3 кун муддат ичида бартараф этиш ва харажатларни коплаш мажбуриятини олади;

6.1.4. **"Пудратчи"** қуйидаги ҳолларда **"Буюртмачи"**ни дарҳол ёзма равишда огоҳлантириб, ишларни тўхтатиб туриши лозим:

- Буюртмачининг, ишларни бажариш услубига оид кўрсатмаларига биноан ишлар бажарилган тақдирда салбий оқибатлар юзага келиши мумкин бўлганда,

- **"Пудратчи"**га боғлиқ бўлмаган, бажарилган иш натижаларининг яроклилиги ва сифатига таҳдид соладиган ёки уни ўз вақтида бажаришга имкон бермайдиган бошқа ҳолатлар вужудга келганда.

6.1.5. Ишларни бажариш вақтида қурилиш майдончасида зарур хафсизлик чораларининг бажарилишини таъминлаш.

6.1.6. ШНК 1.03.07-2010 4.19-бандига биноан архитектура назорати ва техник назорати талабларига ўз вақтида ва сифатли риоя этилиши, шунингдек архитектура назорати журналининг тутилиши ва тўғри сакланиши учун масъул бўлган вакилни тайинлаш.

6.2. **"Буюртмачи"**нинг мажбуриятлари:

6.2.1. Шартномада назарда тутилган тартибда ва миқдорда "Пудратчи" билан ҳисоб-китоб килиш.

6.2.2. **"Буюртмачи"** томонидан "Пудратчи"нинг хизматларидан воз кечилган тақдирда, ўша давргача бажарилган ишнинг қийматини тўлиқ тўлаб бериш.

6.3. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган бошқа шартлар, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талаблари асосида тартибга солинади.

## 7. Шартноманинг асосий шартлари.

7.1. **"Пудратчи"** таклиф этилаётган махсулотлар ва хизматларнинг тўпламини тўликлиги учун жавобгардир ва техник даражаси етарли бўлмаган тақдирда уни ўз хисобидан тўлдиради.

7.2. **"Пудратчи"** ишларни фойдаланишга топширини вақтида сотиш ва ёки ишлаб чикаришдан воз кечилмаган махсулотларни ўрнатиши лозим. Агарда ишларни

фойдаланишга топшириш вақтида, маҳсулотларнинг бирон бир компоненти сотувдан ва ёки ишлаб чиқаришдан олиб қўйилган деб эълон қилинган бўлса, "Пудратчи" маҳсулотларни дастлабкисидан ёмон бўлмаган, хусусиятлари бўйича компонентларига мувофиқ келадиган, бевосита у билан боғлиқ бўлган мазкур компонент ёки барча бошқа компонентларини ўз хисобидан алмаштиришга мажбур.

7.3. **"Пудратчи"** ушбу шартнома бўйича етказиб бериладиган маҳсулотлар сифати, ушбу турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар орасида мавжуд бўлган замонавий техник даражага мувофиқлигини кафолатлайди.

7.4. **"Пудратчи"**, тақдим этилаётган маҳсулотлар янги ва ишлатилмаганлигини кафолатлайди.

7.5. Ўрнатилаётган маҳсулотлар сертификатланган ва **"Пудратчи"** томонидан ўрнатиш бўйича хизматлари таклиф этилаётган мутахассислар шу хизматларни кўрсатиш бўйича гувоҳнома ва ёки лицензияга эга бўлишлари шарт. Буюртмачи ходимлари **"Пудратчи"** томонидан бажариладиган хизматларнинг барча босқичларида иштирок этишлари ва назорат қилишлари лозим.

7.6. **"Пудратчи"** ҳужжатларнинг тўлиқ тўпламини тақдим этади.

Етказиб берилаётган маҳсулотларнинг ҳар бир жиҳозига асл техник ҳужжатлар илова қилиниши шарт.

7.7. Ускуна ва жиҳозларга кафолат беришдан ташқари, **"Пудратчи"** кафолат муддати давомида Буюртмачи ходимларига зарур маълумот ва маслаҳат ёрдамини кўрсатишлари лозим.

7.8. Таклиф этилаётган ускуна ва жиҳозларнинг **кафолат муддати камида 24 календар ойни** ташкил этиши шарт.

7.9. Ускуна ва жиҳозларни ишга тушириш вақти - маҳсулотни етказиб бериш, ўрнатиш, созлаш ва ҳужжатлаштиришга қўйиладиган барча талаблар бажарилган, қабул синовлари муваффақиятли якунланган ва тўлиқ фойдаланиш бошланган бажарилган ишнинг икки томонлама топшириш ва қабул қилиш далолатномаси ва ишга тушириш далолатномаси имзоланган сана ҳисобланади.

7.10. Ишларни бажариш вақтида Буюртмачининг мулкига зарар етказилган бўлса, етказилган зарарни қоплаш ва бартараф этиш "Пудратчи"нинг ўз ҳисобидан амалга оширади.

7.11. Шартнома бўйича ишларни, қурилиш, монтаж ва ишга тушириш ишларини ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси нормалари ва қоидаларига қатъий риоя қилинган равишда бажарилиши лозим.

## 8. Томонларнинг жавобгарлиги

8.1. Ушбу шартнома бўйича бажарилган ишлар (хизматлар) учун тўловлар кечиктирилган тақдирда, **"Буюртмачи"** кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов миқдорининг 0,1% миқдорида жарима тўлайди, аммо кечиктирилган тўлов миқдорининг 50% дан ошмаслиги керак.

8.2. Ушбу шартномага мувофиқ ишларни (хизматларни) бажариш кечиктирилганлиги учун **"Пудратчи"** кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисми қийматининг 0,1% миқдорида жарима тўлайди, аммо мажбуриятнинг бажарилмаган қийматининг 50% дан ошмаслиги керак.

8.3. Томонларнинг шартнома шартларида назарда тутилмаган жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

## 9. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

9.1. Ушбу шартнома томонларининг вужудга келиши мумкин бўлган барча низолар ёки келишмовчиликлар томонлар ўртасидаги музокаралар орқали ҳал қилинади.

9.2. Агар келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилишнинг иложи бўлмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилиши керак.

## 10. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

10.1. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат уларнинг ёзма равишда тузилган ва иккала томоннинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирдагина амал қилади.

## 11. Бошқа шартлар.

11.1. Ушбу шартнома уч нусхада бўлиб, ҳар учаласи бир хил юридик кучга эга ҳисобланади. Ҳар бир томон учун бир нусхадан иборат.

## 12. Томонларнинг юридик манзиллари, банк реквизитлари ва имзолари.

**БУЮРТМАЧИ:**

**Қашқадарё вилоят ИИБ ЖХХ ЙҲХБ МЭМБ Карши шахри А.Навоий кучаси 42 уй**
**Х/р: 401010860104017031101179008**
**Банк: Qarshi shahar Markaziy bankining Qashqadaryo viloyati HKKM**
**МФО: 00014**
**ИНН: 304 988 681**

**Директор: Ф.Нормуминов**

**ПУДРАТЧИ:**

**"DMG QURILISH KLASTERI" МЧЖ**
**Қарши ш. И.Каримов кўчаси 219 б уй № 1 офис**
**Х/р: 2020 8000 7051 4155 7001**
**Банк: Тошкент ш.**
**Узсаноаткурилишбанк АТБ Бош офиси**
**МФО 00440**
**ИНН: 306851574**

**Директор: Ф. Парзуллаев**

ОРИПОВ Ш.Ш.
ЮРИСТ КОНСУЛЬТАНТ

**“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”**
**Вилоят ИИБ ЖХХ ЙҲХБ махсус эксплуатация монтаж бўлими бошлиги майор**

**Ф.Нормуминов**

**“06” декабрь 2022 йил** **Қарши шаҳар**

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри Зиёлилар кўчасида жойлашган кўзи ожизлар учун мўлжалланган 18-сонли махсус мактаби ҳудудида “Нурли маскан” - йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш махсус майдончаси қурилиши бўйича келиб тушган таклифларни кўриб чиқиш бўйича доимий фаолият юритувчи ҳайъат йиғилишининг

## ТАНЛОВ КОНКУРС БАЁНИ: 21

| | |
|---|---|
| Комиссия раиси ; | О.Дустмуродов |
| АЪЗОЛАРИ: | |
| Бўлим бош хисобчи; | Б.Қиличов |
| Бўлим мухандиси; | Ж.Қахрамонов |
| Омбор мудири; | Н.Элмуродов |
| Бўлим механиги; | Х.Сувонов |
| Иқтисодчиси; | Л.Кулдошева |

**Кун тартибидаги курилган масала**

Монополияга қарши курашиш қўмитасининг Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан телеграм ижтимоий тармоғи орқали Қашқадарё вилояти Қарши шахри Зиёлилар кўчасида жойлашган кўзи ожизлар учун мўлжалланган 18-сонли махсус мактаб худудида “Нурли маскан” йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш махсус майдончаси буйича қурилиши учун 177897-лот рақамли лот билан Қашқадарё вилояти ИИБ ЖХХ ЙҲХБ МЭМБ бўлими томонидан ўтказилган танлов йузасидан чиқарилган мақола ўрганилганлиши бўйича.

Қашқадарё вилоят ИИБ ЖХХ ЙҲХБ МЭМБ томонидан ўтказилган Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри Зиёлилар кўчасида жойлашган кўзи ожизлар учун мўлжалланган 18-сонли махсус мактаби ҳудудида “Нурли маскан” - йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш махсус майдончаси қурилиши ишларини олиб бориш учун қонунчиликда белгиланган тартибда, танлов эълон қилинганлиги, комиссия томонидан конкурсда қатнашган томонларнинг таклифлари ўрганиб чиқилиб, харид ижросини таъминлаш бўйича қуйидаги 2 та МЧЖлар қатнашганини, жумладан,

1. **“DMG qurilish klasteri” МЧЖ**
2. **ЧП ZS STAR OIL МЧЖ**

лар томонидан тақдим этилган тижорат таклифлари ичидан энг яхшисини танлаш мақсадида ҳайъат аъзолари томонидан ўрганилди ва қуйидаги жадвалда кўрсатилди.

| № т/р | Мазмуни | Ўл. бир. | Миқдори | ҚУРУВЧИ ТАШКИЛОТНИНГ ТАКЛИФЛАРИ | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | “ DMG qurilish klasteri ” МЧЖ | ЧП ZS STAR OIL МЧЖ |
| | | | | Жами нархи | Жами нархи |
| 1 | Қарши шаҳри Зиёлилар кўчасида 18-сонли махсус мактаби ҳудудида “Нурли маскан” - йўл ҳаракати | дона | 1 | 455 000 000 сўм | 462 300 000 сўм |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | қоидаларини ўргатиш махсус майдончаси қурилиши | | | | |
| Жами ҚҚС билан қиймати | | | | **455 000 000 сўм** | **462 300 000 сўм** |

Жадвалда кўрсатиб ўтилганларни хисобга олиб, хамда Қурувчи ташкилотлар томонидан тақдим этилган тижорат нархлари, сифати, шартномада келишилган муддатларда етказилиши, хар томонлама таҳлилдан ўтказилди.

Ҳайъат аъзолари томонидан тижорат таклифларида кўрсатилган нархлар бўйича ғолиб ташкилотларни аниқлаш учун овоз берилганлиги.

Ҳайъат аъзолари томонидан Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри Зиёлилар кўчасида жойлашган кўзи ожизлар учун мўлжалланган 18-сонли махсус мактаби ҳудудида "Нурли маскан" - йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш махсус майдончаси қурилишини Ўзбекистон Республикаси Давлат стандартларига тўғри келишини хисобга олиб, ҳайъат аъзолари бир овоздан Қарши шаҳрида жойлашган **"DMG qurilish klasteri" МЧЖ** ғолиб деб аниқланган танловнинг баҳолаш натижалари ўрганлиганида харид комиссияси аъзолари томонидан баҳолаш жараёнида қонун бузилиш ҳолатларига йўл қуйилганлик асослари аниқланмаганлиги тўғрисидаги Монополияга қарши курашиш қўмитасининг Қашқадарё вилоят худудий бошқармасини 22.11.2022 йилдаги № 02/02-3978- сонли хулосасига асосан

**Қ А Р О Р  Қ И Л А Д И :**

1. Тижорат таклифларига мувофиқ етказиб бериш бўйича **"DMG qurilish klasteri" МЧЖ** ғолиб деб белгилансин.

2. Баённома тасдиқлангандан сўнг белгиланган тартибда **"DMG qurilish klasteri" МЧЖ** билан Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри Зиёлилар кўчасида жойлашган кўзи ожизлар учун мўлжалланган 18-сонли махсус мактаби ҳудудида "Нурли маскан" - йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш махсус майдончаси қурилиши бўйича шартнома тузилсин.

3. Қашқадарё вилоят ИИБ ЖХХ ЙҲХБ МЭМ бўлими хисобчиси томонидан шартнома асосида ғолиб таъминотчи ташкилот хисоб рақамига пул ўтказилиши амалга оширилсин.

| | |
|---|---|
| **Комиссия раиси ;** | **О.Дустмуродов** |
| **АЪЗОЛАРИ:** | |
| **Бўлим бош хисобчи;** | **Б.Қиличов** |
| **Бўлим мухандиси;** | **Ж.Қахрамонов** |
| **Омбор мудири;** | **П.Элмуродов** |
| **Бўлим механиги;** | **Х.Сувонов** |
| **Иктисодчиси;** | **Л.Кулдошева** |

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MONOPOLIYAGA
QARSHI KURASHISH QO'MITASINING
QASHQADARYO VILOYATI HUDUDIY BOSHQARMASI

ANTIMONOPOLY COMMITTEE
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
KASHKADARYA REGIONAL DEPARTMENT

180100, Qarshi sh., Xonobodko'chasi, 46-uy, Tel.: (998 75) 225-11-17, Tel.: (998 75) 224-06-27
e-mail:qa@antimon.gov.uz, e-xat: kosh.antimon@exat.uz, www.antimon.gov.uz

"22" noyabr 2022 y. № 02/02-3978

**Qashqadaryo viloyati IIB jamoat xavfsizligi xizmati yo'l harakati xavfsizligi boshqarmasining maxsus ekspluatatsiya-montaj bo'limiga**

Monopoliyaga qarshi kurashish qo'mitasining Qashqadaryo viloyat hududiy boshqarmasi tomonidan Telegram ijtimoiy tarmog'i orqali Qashqadaryo viloyati, Qarshi shahri, Ziyolilar ko'chasida joylashgan ko'zi ojizlar uchun mo'ljallangan 18-sonli maxsus maktab hududida "Nurli maskan" - yo'l harakati qoidalarini o'rgatish maxsus maydonchasi qurilishi uchun 177897-lot raqamli lot bilan Qashqadaryo viloyati IIB jamoat xavfsizligi xizmati yo'l harakati xavfsizligi boshqarmasining maxsus ekspluatatsiya-montaj bo'limi tomonidan o'tkazilgan tanlov yuzasidan chiqarilgan maqola o'rganildi.

Telegram ijtimoiy tarmog'i orqali chiqarilgan maqolada Qashqadaryo viloyati IIB jamoat xavfsizligi xizmati yo'l harakati xavfsizligi boshqarmasining maxsus ekspluatatsiya-montaj bo'limi tomonidan etender.uzex.uz maxsus elektron portalidagi 177897-raqamli lot bo'yicha o'tkazilgan tanlovda https://reyting.mc.uz/ saytidagi soxaviy qurilish-pudrat tashkilotlari elektron reytingida mavjud bo'lmagan korxona g'olib bo'lganligi ko'rsatib o'tilgan.

O'rganish jarayonida quyidagilar aniqlandi:

Qashqadaryo viloyati IIB jamoat xavfsizligi xizmati yo'l harakati xavfsizligi boshqarmasining maxsus ekspluatatsiya-montaj bo'limi tomonidan Davlat xaridlari bo'yicha maxsus axborot portali (etender.uzex.uz)ga 2022 yil 9 noyabr kuni qiymati 464 833 282 so'mlik (lot raqami 177897) Qashqadaryo viloyati, Qarshi shahri, Ziyolilar ko'chasida joylashgan ko'zi ojizlar uchun mo'ljallangan 18-sonli maxsus maktabi hududida "Nurli maskan" - yo'l harakati qoidalarini o'rgatish maxsus maydonchasi qurilishi uchun e'lon berilgan hamda 2022 yilning 16 noyabrida ushbu lot bo'yicha tanlov savdolari bo'lib o'tgan.

177897-lot raqami bilan hududida "Nurli maskan" - yo'l harakati qoidalarini o'rgatish maxsus maydonchasi qurilishi uchun o'tkazilgan tanlovda ishtirok etish uchun nafar talabgor "Dmg Qurilish Klasteri" MCHJ va "ZS STAR OIL" xususiy korxonasi taklif taqdim etgan va tanlovning texnik qismi 5 ta mezonga asoslanib baholangan.

Shuningdek, Qashqadaryo viloyati IIB jamoat xavfsizligi xizmati yo'l harakati xavfsizligi boshqarmasining maxsus ekspluatatsiya-montaj bo'limi tomonidan taqdim qilingan hujjatlarga asosan "Dmg Qurilish Klasteri" MCHJ tomonidan Qashqadaryo viloyat Yagona buyurtmachi xizmati injiniring kompaniyasi bilan 2022 yil 5 iyuldagi 265-sonli Ko'kdala tuman markazida zamonaviy kutubxona binosini qurish bo'yicha

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: OZ00827010

tuzilgan shartnomasi borligi va noyabr oyi holatida 3656035,46 mln.so'mlik 59% ishlar bajarilganligi F-3 hisoboti, "O'zmilliybank" AJ Shahrisabz shahar filiali hududini obodonlashtirish va mavjud yordamchi binolarni kapital ta'mirlash ishlari uchun 284 424 081 so'mlik shartnoma tuzilganligi va F-3 hisobotlari, "O'zmilliybank" AJ Qashqadaryo viloyat filiali ma'muriy binosini kapital ta'mirlash ishlari uchun 2020 yilda 812 654 369 so'mlik shartnomalari va dalolatnomalari mavjudligi, viloyat hududida qurilish-pudrat ishlari qilib kelinayotganligi, qurilish ishlarida tajribasi borligi ma'lum bo'ldi.

O'tkazilgan tanlovning baholash natijalari o'rganilganda, xarid komissiyasi a'zolari tomonidan baholash jarayonida qonunbuziish holatlariga yo'l qo'yilganlik asoslari aniqlanmadi.

**Boshqarma boshlig'ining o'rinbosari** **A.Oripov**

Ijrochi: E.Jurayev
Telefon: (75) 224-06-38